



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «15» июнь

VI-29-8-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Банк тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш ва банк соҳасида рақобат муҳитини яратиш, аҳоли ва хўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш, замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш, оилавий тадбиркорлик дастурларини амалга оширишни тизимли давом эттириш тўғрисида

Вилоятда банк тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш ва банк соҳасида рақобат муҳитини яратиш, аҳоли ва хўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш, замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш, оилавий тадбиркорлик дастурларини амалга оширишни тизимли давом эттириш борасида 2021 йилнинг январь-май ойлари давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи У.Зокировнинг ҳисоботини инobatга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади**

1. Банк тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш ва банк соҳасида рақобат муҳитини яратиш, аҳоли ва хўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш, замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш оилавий тадбиркорлик дастурларини амалга оширишни тизимли давом эттириш юзасидан Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи У.Зокировнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят тижорат банк филиаллари бошлиқларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 202 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони ҳамда “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 декабрдаги ПҚ-4071-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича барча зарурий чораларни кўриш.

“Тижорат банклар фаолиятидаги тизимли муаммолар ва уларни банк тизими молиявий барқарорлигига ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири тўғрисида” бўлиб ўтган селектор йиғилишида берилган топшириққа асосан

муаммоли кредитларни сўндириш бўйича шаҳар ва туман сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда ишларни изчиллик билан давом эттириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113-сон қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига зарур кредит маблағлари ажратилишини таъминлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар ҳажмини кенгайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 27 мартдаги ПҚ-5041-сонли қарорига асосан 2021 йилда ажратиладиган кредитлар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг ўз вақтида бажарилишини, бунда, биринчи навбатда, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган аҳолининг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича устувор равишда кредитлар ажратилишини таъминлаш;

замонавий банк тизимини шакллантириш, банкларнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш ва банк хизматларининг янги стандартларини жорий этишга қаратилган банк тизимида комплекс ўзгартиришларни амалга ошириш;

юқоридаги белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳар чорак якунида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот киритиб бориш тавсия этилсин.

3. Сурхондарё вилояти Марказий банк бош бошқармаси (У.Зокиров), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2019 йилларда ҳудудларга ташрифлари давомида қиймати 10 трлн 237 млрд. сўмлик 2 161 та лойиҳаларга, жумладан 2021 йилда 176 та ва 2022 йилда 105 та лойиҳаларга белгиланган муддатларда кредит ажратиш ишларини таъминлаб халқ депутатлари вилоят Кенгашига ҳар чоракда ахборот киритиб борсин.

4. Сурхондарё вилояти Марказий банк бош бошқармаси (У.Зокиров)га аҳолига банк хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида, куну-тун ишловчи 24/7 автоматлаштирилган шахобчалари, АвтоВАН банккоматлари ва валюта айирбошлаш шахобчаларининг доимий ишлашини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

5. Сурхондарё вилояти Марказий банк бош бошқармаси (У.Зокиров):

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига яратилган имтиёзлар, кўрсатиладиган банк хизматлари тўғрисида ҳамда жорий йилда амалга оширилган ишларни маҳаллий телевидениелар орқали ёритиб боришни;

вилоят банк тизимининг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича

доимий комиссияси (И.Ёкубов) зиммасига юклансин.

7. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.